

ТИЛ ВА ТАРЖИМА МАСАЛАЛАРИ

Д. Ибраимова,

Қашқадарё ВХТХҚТМОИ

Тил ва адабиёт таълими кафедраси инглиз тили ўқитувчиси

Таржима- инсон фаолиятининг мураккаб ва кўп қиррали жабҳаларидан биридир. “Бир тилдан иккинчи бир тилга таржима” деб гапирилса-да, аслида таржима жараёнида шунчаки бир тилдан иккинчи бир тилга ўгириш иши бажарилмайди. Таржимада турли маданиятлар, турли шахслар, турлича фикрлар қатлами, турли даврлар, турли адабиётлар, турлича ривожланиш даражалари, турли анъана ва қоидалар тўқнашади. Таржима ишлари маданиятшуносларни, тарихчиларни, этнографларни, психологларни, адабиётшуносларни ва умуман олганда барча соҳа вакиллари қизиқтиради, сабаби, таржима иши ҳар бир соҳа учун тадқиқот объекти бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан, таржима соҳаси ҳақидаги фан, яъни, таржимашунослик маданиятшунослик, когнитив, психологик, адабий ва шу каби аспектларни қамраб олади.

Таржимада асосий ролни тиллар бажариши ҳақидаги анъанавий тушунча асослидир, ҳолбуки, замонавий таржимашуносликда ҳам асосий ўринни таржиманинг лингвистик назарияси эгаллайди.

Таржима нега керак? Таржимага муҳтожликка сабаб, дунё халқлари бир тилда сўзламайдилар. Дунёда турли тилларнинг мавжудлигини таржима мавжудлигининг сабаби деб кўрсатиш мумкин. Турли ҳисоб-китобларга кўра дунёда уч-тўрт мингдан ортиқ тиллар мавжуд. Ҳозирги даврда халқаро мулоқотларда жаҳон тиллари деб ҳисобланувчи тиллар, хусусан, инглиз тили, камроқ миқдорда француз, испан ва рус тиллари қўлланаётганини кузатиш мумкин. Шунини айтиш мумкинки, халқаро тилларда сўзловчилар сони ортгани билан таржима ва таржимачиликка бўлган талаб сира камайгани йўқ.

Таржимон дуч келиши аниқ бўлган қийинчиликлар ҳар бир тилга тааллуқли бўлган ўзига хослик ва объектларни номлашда ва вазиятлар тасвирини беришда шу ўзига хосликдан фойдалана билишдир. Маълумки, тил бирликлари – шунчаки мос объектларни англатиш учун қўлланувчи ёрликлар эмас. Ҳар бир тил бирликларининг ўзига хос бўлган мустаҳкам мазмун ва моҳияти бор, бундан ташқари турли тилларда тил бирликлари бир – бирига айнан мос эмас. Шу сабабли, таржима жараёнида бир сўз таржимасини бошқа тилдаги иккинчи бир сўзга алмаштириш билан иш чиқмайди ва сўзлар ва тил бирликлари орасидан мазмун ва моҳиятан энг мос вариантни топа билиш таржимон маҳоратига боғлиқ бўлади. Таржимон енгиб ўтиши керак бўлган тил тўсиқларидан яна бири шундаки, ҳар бир тил ўзига хос “тасвирий оламига” эга, яъни, борлиқни номлашда турлича ёндашувлар рўбарў келади. Масалан, ўзбек тилида “хола”, “амма” инглиз тилида “aunt”,

“амаки”, “тоға” инглиз тилида “uncle”, инглиз тилида “neice”, “nephew” ўзбек тилида “жиян”, ўзбек тилида “хонтахта”, инглиз тилида “table”. Инглиз учун кўзлар, тишлар ва тил бевосита бошда жойлашган деб қабул қилинади (eyes in the head, teeth in the head, tongue in the head). Инглиз маданиятида «noon» алоҳида аҳамият касб этувчи ҳисобланади – куннинг соат 12 си, вақт ҳисобининг асосий нуқтаси сифатида хизмат қилувчи пайтидир. Бу нафақат куннинг ярми (midday), айна дамда ярим тунда бошланувчи бир сутканинг қисман қоронғулик (night) ва ёруғлик (day) қисмини англатувчи тонгнинг (morning) тугашидир. Шу нуқтага куннинг ярмида ёки сўнггида истеъмол қилинувчи асосий овқат “dinner”дан фарқли алоҳида тановвулни англатувчи - «lunch» ҳам тегишли. Ҳисобнинг асосий нуқтасидан сўнг «afternoon» (post meridiem) , қуёш ботгунга қадар давом этувчи куннинг иккинчи ярми бошланади (before sunset or nightfall). Бирок, «nightfall» -бу тун ёки тунги қоронғилик тушиши бўлиб, бу даврнинг биринчи қисми «evening» сўзи билан ифодаланиб, «night» деб бўлмайди. Умумун олганда, суткалик ҳисоб-китобнинг инглиз маданиятига хос манзараси яратилган.

Атроф-оламни қабул қилишнинг ўзига хослиги айрим вазиятларни тасвирлаш усулларида ҳам акс этади. Масалан, инглиз маданияти эгаларига ҳис – туйғуларни қабул қилувчиларнинг қабул қилганлигини ифодалаш хосдир. (тақ. Ўзбек тилида «Тўсатдан шовқин эшитилди» инглиз тилида «Suddenly we heard noise») тарзида ифодаланади.

Маълум бир маданият вакиллариининг урф-одати ва турмуш-тарзини бевосита акс этувчи маълумот таржима назарияси ва амалиёти учун катта қизиқиш уйғотади. Инглиз уйларида ётоқхоналар кўп ҳолларда иккинчи қаватда жойлашади ва шу сабаб «It's late I'll go up» ибораси сўзловчининг уйкуга кетиш истагини ифодалаш сифатида ўгирилиши мумкин. Агар америкалик «a three bedroom apartment» сотиб олиш истаги борлигини маълум қилса, унинг фикри фақат унинг мамлакатада алоҳида ётоқхонадан ташқари яна бир умумий хонага эга бўлиш урф эканлиги ва шунинг учун тўрт хонали хонадон ҳақида сўз бораётганлигини унинг мамлакатадаги урф-хабардор инсонгина тўғри тушуниши мумкин.

Фақат тилни билиш таржима ишининг мукамаллигини таъминламайди. Маданиятлар, урф-одатлар ўртасидаги чегараларни кесиб, тушунарлилик, таъсирчанлик даражасига етганлик таржима ишининг мукамал эканлигидан даракдир.